*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2005** йил, **9** сентябрь, жума № **67** (2111). Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **9** сентября, **2005** год, № **67** (2111). Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Бугунги нотинч, ўта таҳликали, ўзаро тортишув, манфаатлар кураши авжига чиққан замонда эртанги кунимизга, дунё тан олган давлатлар қаторига чиқишимизга фақатгина таълим ва маърифатга таянган ҳолда, интеллектуал салоҳиятимизни юксак даражага кўтариш ҳисобидан эришмоғимиз мумкин.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин. Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлар резервига бўшатилган фуқароларни уларнинг хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Қуролли Кучлар Бирлашган штаби (В.Маҳмудов), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги 84-сон қарори талабларига қатъиян мувофиқ равишда муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилишни, шунингдек, резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил қилишни таъминласин;

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини таъминласин;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчилар ҳарбий мутахассисликларни сифатли ўзлаштириб олишига, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига, мақсадга интилиш, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туришга асосланган мустаҳкам ҳаётий фазилатларни шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини ташкил қилиш, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

5. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Ходжаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов)га чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлар резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби Р.Мирзаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 2 сентябрь.



Садоқат ва бурчни ҳис қилиш ҳарбийларимизнинг салоҳиятини белгилаб берувчи қудратли кучдир. Шу икки хислатга эга Ватан посбони борки, ўз касбининг профессионали бўлишга интилиб хизмат қилади. Назарий машғулотларда пухта билимга эга бўлган посбон, амалий машғулотларда ҳам жонбозликни қўлдан бермайди, албатта.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Шарофиддин Қаюмов ва Ўроқ Ҳайдаровлар мана шундай ўтюрак шоввозлардан. Улар дала-ўқув машғулотларида жанговар ютуқларга эришиб, сафдошларига ўрнак бўлишмоқда. Ўғлонларнинг взвод командири катта лейтенант Мардонбек Эшонов эътирофи билан айтганда, бундай ўтюрак посбонларни ўз касбининг профессионаллари дейишга ҳақлимиз.

**Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.**

Кузги чақирув олдидан

## АСКАРЛИККА ЧОҒЛАНАР ЎҒЛОН

Яқинда оммавий ахборот воситаларида Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Аввало фуқароларни Қуролли Кучларимиз сафларига чақириш ва хизматни ўтаб бўлганларни резервга бўшатиш ўзига хос байрамга айланаётгани борасида бироз тўхталсак. Шу ўринда эътиборни Президентимизнинг жорий йил 4 мартда эълон қилган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига қаратсак.

Мазкур ҳужжатнинг учинчи бандида бир муҳим янгилик бор. Яъни фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, резервга бўшатилганларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби борасида. Тўғри, бунгача ҳам юрт ҳимоясига отланган шерюракларни кенг жамоатчилик зўр тантана билан кузатиб, резервга бўшаган ўғлонларини шодиёна билан кутиб олишаётганди. Аммо муайян бир тизим бўлмагани учун бу анъана ҳар жойда ҳар хил кечган. Мана, энди бу ажойиб анъанага ҳукумат даражасида эътибор қаратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 84-сон Қарори билан Низом тасдиқланди.

Йигит аскарликка кетганида ва қишлоққа қайтганида яқинлари тўпланишиб, камтарона бир шодиёна қилишидек анъанани эслатмасам ҳам кўпчилик яхши билади. Низом асосида эса содда қилиб айтганда, анъанага – аскар тўйига устувор бир аҳамият берилди. Гап дабдаба, ҳашамат ҳақида кетмаяпти. Аскарликка йўл олган ва юрт ҳимоясидан ёруғ юз билан қайтган ўғлонларимизга бағишланган тантаналар одатларимиз, қадриятларимиз қаторидан алоҳида ўрин эгаллаб бораётганини таъкидлаяпман, холос. Бу янгилик жорий этилган баҳорги чақирувда ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг қувончига шерик бўлганмиз. Мана, энди кузги чақирувда ҳам Низом асосида фарзандларни муддатли ҳарбий хизматга кузатамиз, резервга бўшаганларини кутиб оламиз. Айниқса, қарорда бунга алоҳида эътибор қаратилиши хусусида гаплар бор.

Хўш, жойларда кузги чақирувнинг кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш борасида нималарга эътибор қаратилмоқда? Айнан шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Қашқадарё вилоят мудофаа ишлари бошқармасида бўлдик.

**(Давоми 2-бетда).**

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

## БИЗ КЎЗЛАГАН МАНЗИЛ – МАЪРИФАТ

Ниҳоят, ёзги таътилдан сўнг яна ўша таниш манзарани кўряпсиз. Мактаб сари, илм-маърифат ўчоқлари сари талпинаётган болажонларимизни, ёшларимизни назарда тутяпман. Айниқса, биринчи синфга қадам қўйган болакай, қизалоқдаги ҳаяжонни айтмайсизми! Истиқлол фарзандларининг илм-маърифат чўққиларини забт этиш йўлидаги шижоатини кўриб, қувонасан, қойил қоласан. Аслида бундайин шижоат бизларга аждодлардан мерос. Ахир дунё тамаддунида ўзининг илму урфони билан ном қолдирган-да, буюк боболар. Ахир улар бешикдан қабргача илм излаш ақидасига риоя қилиб, кам бўлишмаган-да.

Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий асослари маърифатпарварлик ғояларига ҳам таянишини яхши биламиз. Танлаган тараққиёт йўлимиздан дадил одимлар эканмиз, таълим-тарбияга устувор аҳамият қаратишимиз ҳам ана шундан. Содда қилиб айтганда, мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ таълим масаласига ҳаёт-мамот масаласи сифатида қаралди. Яъни Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича режали ва истиқболли сиёсат амалга оширилиб келинмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонун қабул қилиниши, унинг ҳаётимиздаги аҳамияти борасида кўп тўхталганмиз. Шу ўринда кейинги пайтларда мактаб таълимига эътибор билан боғлиқ муҳим ишлардан сўз очсак.

Ортда қолган йилда Юртбошимиз ташаббуси билан 2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 2004 йилнинг 19 февралида ушбу давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида фармойиш, 21 майда эса «2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур дастуриламал ҳужжат Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини янада муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

**(Давоми 4-бетда).**

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



## ЎЗБЕКИСТОНДАДИР «ЕРНИНГ БЕЛБОҒИ»

Юртимиз ҳақида, муқаддас она тупроғимиз ҳақида ҳар қанча фахрланиб, ғурурланиб гапирсак ҳам оз. Масалан, заминимизда Менделеев даврий системасидаги барча элементларнинг борлиги фахримиз эмасми? Қадим-қадим тарихдан сўзловчи осори атиқаларимиз, муборак қадамжоларимиз борлиги ғуруримиз эмасми!

Яқинда Китоб давлат геология қўриқхонасида бўлганимда, унинг музейини томоша қилиб, ходимлари билан сўзлашганимда бир ғуруримга минг ғурур қўшилгандек бўлди.

Қўриқхона Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани ҳудудида жойлашган. Яъни Зарафшон тоғ тизмасининг жануби-ғарбий тармоқлари, Жиннидарёнинг сўл қирғоғи ва Қоратоғнинг шимолий ён бағрида, Китоб шаҳридан 45 километр шарқда ана шундайин гўша бор. Умумий майдони 5378 гектар.

Ана энди бу масканнинг ташкил этилиши тарихига назар ташласак. Қўриқхона директорининг ўринбосари Нарзулло Жўраевнинг таъкидлашича, бу ҳудудда Алексей Иванович Ким бошчилигида 1956 йилдан бошлаб экспедиция тадқиқот ишларини олиб боришган. 1957 йилда ҳудуддан аниқланган геологик кесимлар мутахассислар эътиборини жалб қилади.

1978 йил. Самарқандда халқаро симпозиум ўтказилиб, тилга олинаётган маскан геологик қўриқхонага айлантирилиши масаласи кун тартибига қўйилади. Янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, девон стратиграфияси бўйича халқаро кичик комиссиянинг сессиясида Китобда геологик қўриқхона ташкил этилиши ғояси ўртага ташланди. Анжумандан олдин 13 мамлакатдан келган машҳур олимларга Зинзилбон сойи дарасидаги ва Хўжақўрғондаги ажойиб тарзда сақланиб келаётган, палеонтологик жиҳатдан бой қатламлар кесими кўрсатилади. Ажабланарлиси шунда эдики, бу ҳудуддаги кесимлар яхлит бир жойда, уйғун ҳолда жойлашган. Дунёнинг бошқа ҳудудларидан топилган бундай қатламлар кесимларида эса ана шу яхлитлик, уйғунлик йўқ эди. Олимлар учун бу воқеа янги бир кашфиёт бўлади. Шу боис сессияда машҳур олимлардан академик Б.Соколов, германиялик профессор В.Циглер ва америкалик профессор Г.Клапперлар табиатнинг бу гўзал ёдгорлигини асраш, унинг негизида доимий фаолият юритувчи илмий-тадқиқот базасини яратиш таклифи билан чиқишади.

**(Давоми 4-бетда).**

Муштарийларимизга

## ТАЛПИНАМИЗ БИЛИМГА, МАЪРИФАТГА

Биз маърифатли, маънавиятли халқмиз. Ким эканлигимизни илму урфон билан дунёга айтиб келганмиз.

Навоий бобомизнинг назмий саройини қалам билан олгани юксак салоҳиятидан, маърифатидан эмасми? Имом ал-Бухорий бобомиз ҳадис илми оламида чўлпон юлдузидек порлагани унинг буюк аллома эканлигидан далолат эмасми? Бундайин дунёга машҳур аждодларимиз кўп.

Миллий истиқлол ғоясининг умумбашарий тамойиллари ичида дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварликка алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Умуман олганда, истиқлолга эришганимиздан сўнг илм-маърифатга устувор эътибор қаратиб келинмоқда. Миллий ўзлигимизни англашимиз, ривожланган мамлакатлар қаторига тезроқ қўшилишимиз, эртанги кунимизни янада фаровон этиш йўлида фақат ва фақат маърифатга суянишимиз лозимлигини тушуниб етганимиз улкан ютуғимиз бўлмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонун ва бошқа бир қатор дастуриламал ҳужжатлар таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг янги бир босқичга кўтарилишига сабаб бўлаётир. Айниқса, Президентимиз Фармони билан тасдиқланган 2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури мактаб таълимига эътиборни янада яхшилади.

Мана, биринчи қўнғироқ янграб, зиё масканлари яна толиби илмларга қучоқларини очди. Айниқса, биринчи синфга борган 522 минг 886 нафар болажоннинг қувончлари чексиз. Ахир уларга Президентимиз совғалари – 12 номдаги чиройли ва бежирим ўқув қуроллари жойланган сумкалар ҳадя этилди-да. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 1997 йилдан эътиборан Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили биринчи синфга бораётган фарзандларга бепул ўқув қуроллари берилмоқда.

Олий ҳарбий билим юртларида ажойиб бир анъанага асос солиниб, биринчи курс курсантлари биринчи сентябрь куни тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилишди. Яъни ўқув йилини истиқлол дарси, садоқат дарси билан бошлашди.

Баркамол бўлиш, илм чўққиларини забт этиб, Ватаннинг, халқнинг шаъну шавкатини янада юксак кўтариш йўлида бошлаган янги кунинг муборак, ёш авлод!

**ТАҲРИРИЯТ**

К нашим читателям

## НА ПУТИ К ЗНАНИЮ И ПРОСВЕЩЕНИЮ

Мы – просвещенный и духовно богатый народ. И не раз доказывали это миру своими научными и культурными достижениями.

Разве не известен миру высокий интеллект и просвещенность Алишера Навои, который создал целые поэтические дворцы? А разве нуждается в доказательстве величие сверкающего подобно утренней звезде на небосклоне хадисов Имама аль-Бухари? В нашей истории немало великих предков. Не случайно при разработке идеи национальной независимости особое внимание было уделено светским знаниям и просветительству. С первых дней независимости наука и просвещение стали приоритетным направлением нашего развития. Рост национального самосознания, успешное движение по пути экономического роста требуют от нас опоры на просвещение и только на просвещение. Понимание этого становится главным условием достижения новых успехов.

Национальная программа подготовки кадров, Закон об образовании и ряд других программных документов стали важной основой для поднятия на новую высоту реформ в системе образования и воспитания. Утвержденная Указом Президента Общенациональная государственная программа развития школьного образования на 2004 – 2009 годы мобилизует общество на качественное решение вопросов повышения уровня школьного образования.

Прозвенел первый звонок, учебные заведения гостеприимно открыли свои двери перед учащимися. Особенно радостны лица 522886 первоклассников. Ведь им в этот день преподнесены подарки Президента – красивые портфели с 12 наименованиями учебных принадлежностей. По инициативе нашего Президента с 1997 года каждому пришедшему в первый класс школьнику учебные принадлежности выдаются бесплатно. В высших военных образовательных учреждениях положено начало замечательной традиции – курсанты-первокурсники первого сентября в торжественной обстановке приняли Военную присягу. А по всей республике учебный год начался с урока Независимости, урока верности Родине.

Поздравляем молодежь с первым учебным днем, с началом пути к знаниям, к дальнейшему расцвету нашей Родины, прославлению нашего народа!

**РЕДКОЛЛЕГИЯ**



2 ЧАҚИРУВ – 2005
САФЛАНМОҚДА САРА ШУНҚОРЛАР



6 РОВЕСНИК
ФАКЕЛ, КОТОРЫЙ НУЖНО ЗАЖЕЧЬ



7 2005 ЙИЛ – СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ
САЛОМАТЛИГИМИЗ САРБОНЛАРИ



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
ЗАЙНОБИДДИН БЎЛГАН ЗАЙНАБ

Подписка-2006

## ВАШ ВЫБОР – «ВАТАНПАРВАР»!



**Уважаемый читатель!**

Начинается подписная кампания на вашу любимую газету «Ватанпарвар».

Еженедельная общественно-патриотическая, информационно-аналитическая молодежная газета «Ватанпарвар» – единственное полноцветное республиканское издание, ориентированное на самую широкую читательскую аудиторию.

Дорогой читатель, на страницах еженедельника, как и ранее, будет публиковаться разнообразная информация о происходящих событиях в стране и в мире, о молодежных проблемах, о семье и психологии семейной жизни, о нравственности и великом наследии наших предков. Здесь вас ожидают встречи с известными в Узбекистане и далеко за его пределами людьми: спортсменами, учеными, артистами, политиками. В нашей газете каждый сможет узнать о линиях своей судьбы по предлагаемому самому достоверному астрологическому прогнозу, проследить за программами телепередач.

Напоминаем, что на газету установлена льготная подписная цена (единая по всей стране):
на 6 месяцев – 9100 сумов;
на 12 месяцев – 18200 сумов
(самовывоз из редакции).
При условии подписки с доставкой:
на 6 месяцев – 10000 сумов;
на 12 месяцев – 20000 сумов.

Для тех, кто подпишется до 1 октября 2005 г. (индивидуально или коллективно), подписка будет оформлена по ценам текущего года.

**Справки по телефону: 56 03 46.**

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ



# ЧЕЛОВЕК И ОГОНЬ

**Ваша квартира неизбежно загорится при:**
**– играх маленьких детей, оставленных без присмотра, со спичками и электроприборами;**
**– курении в постели;**
**– неосторожном обращении с огнем (разогревание красок и мастик, сушка белья над плитой и т.п.);**
**– размещении электроприборов и ламп близко к шторам, обоям и деревянным конструкциям;**
**– одновременном включении в одну розетку большого числа электроприборов (не увлекайтесь тройником, так как суммарная мощность проводки рассчитана на 1,5 кВт);**
**– коротком замыкании электропроводов (если они намокли, скручены или прибиты гвоздями, проклеены обоями);**
**– использовании бензина и растворителей для чистки и стирки одежды.**

**Что никогда не нужно делать при пожаре – это бороться с пламенем самостоятельно, не вызывая пожарных!**

**Если вы не справились с огнем за несколько секунд, его распространение приведет к большому пожару.**

## ПОЖАР В КВАРТИРЕ

1) Немедленно вызовите сами или через соседей пожарных. Сообщите о пожаре соседям по этажу, попросите их вывести в безопасное место детей и престарелых, а также предупредите о пожаре жильцов других этажей.

2) Не дожидаясь прибытия пожарных, начинайте с помощью соседей тушить пожар подручными средствами (огнетушителем, плотной мокрой тканью, водой от внутренних пожарных кранов на лестничных площадках). При опасности поражения электрическим током отключите электроэнергию в квартире (автомат в щитке на лестничной площадке). Помните: легковоспламеняющиеся жидкости тушить водой неэффективно. Лучше всего пользоваться огнетушителями, а при их отсутствии мокрой тканью, песком, даже землей из цветочного горшка.

Воздержитесь от открывания окон и дверей во избежание притока воздуха к очагу пожара, не разбивайте стекол. При необходимости открыть или выбить дверь в горящую комнату прикройте руками лицо, стойте сбоку от дверного проема, чтобы вас не обожгло вырвавшимся пламенем.

3) Если ликвидировать очаг горения своими силами не представляется возможным, немедленно покиньте квартиру, плотно прикрыв за собой дверь. С помощью соседей поливайте дверь снаружи водой, чтобы предотвратить распространение огня по площадке. Организуйте встречу пожарных подразделений, укажите им очаг пожара и сообщите им о наличии людей в горящей квартире.

При невозможности эвакуации из квартиры через лестничные марши выйдите в лоджию, плотно закрыв за собой дверь. И криками или другим способом привлекайте внимание прохожих и пожарных. Не пытайтесь самостоятельно перебраться на соседнюю лоджию – это опасно!

## ПОЖАР В ВАГОНЕ МЕТРО

1) Почувствовав запах дыма, немедленно сообщите машинисту о пожаре по переговорному устройству и выполняйте все его указания.

Постарайтесь не допустить возникновения паники в вагоне – успокойте людей, возьмите детей за руки. При сильном задымлении закройте глаза и дышите через влажный носовой платок.

2) Оставайтесь на местах, пока поезд движется в тоннеле. После прибытия на станцию и открытия дверей пропустите вперед детей и престарелых, затем выйдите сами, сохраняя спокойствие и выдержку. Проверьте, не остался ли кто-нибудь в вагоне, помогите этим людям покинуть его. Сразу же сообщите о пожаре дежурному по станции и по эскалатору. Окажите помощь работникам метро, используя для тушения огнетушители и другие противопожарные средства, имеющиеся на станции.

3) При появлении в вагоне открытого огня во время движения постарайтесь потушить его, используя имеющиеся под сиденьями огнетушители или подручные средства. Если это возможно, перейдите в не занятую огнем часть вагона (лучше вперед) и сдерживайте распространение пожара, сбивая пламя одеждой или заливая его любыми негорючими жидкостями (водой, молоком и т.п.). Ни в коем случае не пытайтесь остановить поезд в тоннеле аварийным стоп-краном – это затруднит тушение пожара и вашу эвакуацию.

4) При остановке поезда в тоннеле не пытайтесь покинуть его без команды машиниста; не прикасайтесь к металлическому корпусу вагона и дверям до отключения высокого напряжения по всему участку. После разрешения на выход откройте двери или выбейте ногами стекла. Выйдите из вагона и двигайтесь вперед по ходу поезда к станции. Идите вдоль полотна между рельсами, не прикасаясь к токоведущим шинам (сбоку от рельсов) во избежание поражения электротоком при включении напряжения.

5) Будьте особенно внимательны при выходе из тоннеля у станции. В местах пересечения путей, на стрелках, так как возможно появление встречного поезда. Если оставленный вами поезд, сдвинувшись с места, нагонит вас, прижмитесь в нишу стены тоннеля. Немедленно сообщите дежурному по станции о случившемся и выполняйте его указания.

## ПОЖАР В АВТОБУСЕ, ТРАМВАЕ ИЛИ ТРОЛЛЕЙБУСЕ

1) Немедленно сообщите о пожаре водителю и пассажирам; потребуйте остановиться и открыть двери (или нажмите кнопку аварийного открывания дверей). Постарайтесь использовать для тушения пожара огнетушитель в салоне и подручные средства.

Будьте осторожны! В троллейбусах и трамваях металлические части могут оказаться под напряжением в результате нарушения защитной изоляции проводов.

2) При заблокировании дверей используйте для эвакуации аварийные люки в крыше и выходы через боковые стекла (открывать по инструкции, имеющейся на них). При необходимости выбейте обеими ногами стекла. В первую очередь спасайте детей и престарелых. Не допускайте паники, выполняйте все указания водителя.

3) В любом транспорте имеются материалы, выделяющие при горении ядовитые газы, поэтому покидайте салон быстро, закрывая рот и нос платком или рукавом. Выбравшись из салона, отойдите подальше, так как могут взорваться баки с горючим или произойти замыкание высоковольтной электросети.

4) Немедленно по телефону или через водителей проезжающих машин сообщите о пожаре в пожарную часть, окажите посильную помощь пострадавшим.

**Юрий МИХАЙЛОВ, подполковник в отставке.**

Ҳарбий техника шарҳи



## ТАЙМЕР ҲИСОБЛАШНИ ТУГАТГАНДА...

Швейцариянинг «Эрликон контравес» ва «Моваг» компаниялари мутахассислари томонидан яратилган «Скайрейнджер» ўзиюрар зенит қурилмаси паст учувчи ҳаво нишонларига қарши кураш олиб боришга мўлжалланган. Қурилма 35 мм.ли «Эрликон-35/1000» русумли барабан шаклида (тўртта ўқдонли) яратилган автоматик тўп ҳамда ўқлаш механизми билан жиҳозланган. Ишлаб чиқарувчилар фикрига кўра, ушбу тўпли гумбаз 4,5 тонна фойдали юк кўтарадиган ҳар қандай зирҳланган жанговар машинага, жумладан, Швейцариянинг «Пирана – 3 (4)» (ғилдирак формуласи 8 х 8, суратда макети кўрсатилган) машинасига ўрнатилиши мумкин. Ҳаво нишонларига қарши курашда АНЕАД (Advanced Hit Efficience And Destruction) деб номланган индукцион типдаги дастурлаштириладиган электрон портлатгич ва тайёр шикаст етказувчи элементлари бўлган осколкали снаряд қўлланади. Снаряд ствол каналидан чиққанидан сўнг таймер ишга тушади ва у аввалдан дастурлаштирилган нишонгача учиш вақтини ҳисоблаб боради, вақт нолга етганда эса электрон портлатгич ишга тушади. Снаряд портлатилгандан сўнг унинг жанговар каллак қисмида жойлашган нинага ўхшаш шикаст етказувчи элементлар нишон томонга йўналади. Снаряднинг бошланғич учиш тезлиги 1050 м/с, жанговар оғирлиги 0,8 кг, тўпнинг отиш тезлиги минутига 1000 та ўқ узишдан иборат.



## ИСТИҚБОЛЛИ ВОСИТА

Германиянинг «Мэвионикс» ва «Рейнметалл дефенс электроникс» фирмалари мутахассислари «Кароло» русумидаги кичик учувчисиз учиш аппаратлари оиласини яратиш борасидаги ишларни изчил давом эттирмоқдалар. Ушбу оила С-40, Р-50, Р-70 ва Т-140 аппаратларидан иборат бўлади. Жумладан, С-40 аппаратининг қанот кўлами 400 мм, узунлиги 300 мм, максимал кўтарилиш оғирлиги 450 г, учиш давомийлиги 15 дақиқадан иборат бўлиб, фойдали юк сифатида кичик видеокамера ўрнатилиши мумкин. Кучланиш қурилмаси қўзғатувчи винт билан жиҳозланган электр двигателидан иборат.

Р-50 кичик учувчисиз учиш аппаратининг қанот кўлами 490 мм, узунлиги 460 мм. Ишлаб чиқарувчилар баёнотига кўра, аппаратнинг ушбу русуми миллий қуролли кучлар дастури бўйича 2005 йилнинг охирида синовдан ўтади. Экспертлар ушбу аппаратни мавжуд бўлган комплекслар имкониятини тўлдирувчи истиқболли разведка воситаси, деб ҳисобламоқдалар.

Суратда кичик С-40 «Кароло» русумидаги учувчисиз учиш аппаратининг тажриба нусхаси кўрсатилган.



## ЯНГИЧА ВАРИАНТДА

«Воспер Торникрофт» компанияси Буюк Британия мудофаа вазирлиги томонидан қирғоқ бўйида ҳаракатлар олиб борувчи янги патруль кемаси қурилиши учун асосий пудратчи сифатида танланди. Ушбу кема Фолкленд ороллари акваториясида патруллик хизматини олиб боради. Кемани қуриш бўйича 57 миллион доллар атрофидаги қийматга эга бўлган шартнома 2005 йил бошида имзоланган. Қурилиш ишларини компаниянинг Портсмут шаҳридаги кемасозлик верфида олиб бориш кўзда тутилган. Конструктив жиҳатдан ушбу патруль кемаси ҳозирда учтаси Шарқий ва Шимоли-шарқий Анлантикада балиқчиликни муҳофаза қилиш вазифаларини бажаришга жалб этилган «Ривер» русумидаги патруль кемасининг модификациялаштирилган варианти бўлади. Кемани «Мерлин» русумидаги вертолётларни жойлаштириш учун вертолёт майдончаси, шунингдек, ОНЦ ва ОВЦ 4100 русумли замонавий радиолокация станцияси билан жиҳозлаш режалаштирилган. Ушбу кемани ҳарбий-денгиз кучларига 2006 йилнинг сентябрида топшириш кўзда тутилган. Кема Фолкленд ороллари ҳудудида хизмат олиб бораётган «Лидс Касл» ва «Дамбартон Касл» патруль кемаларини алмаштиради.

**(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинди).**

# МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Альтернативные президентские выборы

В Египте завершились президентские выборы. Впервые в республиканской истории они проходили с участием более чем одного кандидата, на основе прямого и тайного голосования. Центризбирком остался доволен явкой избирателей. «На многих избирательных участках наблюдался настолько большой приток желающих проголосовать, что приходилось выстаивать немало времени в очередях», – заявил его председатель Усама Аттавия.



### Взорвался заминированный автомобиль

В торговом квартале Басры – крупнейшего города на юге Ирака – взорван заминированный автомобиль. По информации Reuters, в результате взрыва в Басре погибли, как минимум, десять человек, еще 16 человек ранены. Reuters ссылается на полицию, медиков и очевидцев.



### Военнослужащие заразились гепатитом

Несколько сотен грузинских военнослужащих, проходивших подготовку под началом американских инструкторов на Вазианской базе минобороны Грузии, заразились гепатитом С. «Причина массового инфекционного заболевания среди военнослужащих – питьевая вода, которая не отвечает никаким стандартам», – заявил на пресс-конференции бывший военврач Вазианской базы Георгий Лилуашвили.



### Диверсия против самолета «Аэрофлота»

В аэропорту Стамбула при осуществлении посадки пассажиров на борт воздушного судна российской авиакомпании «Аэрофлот» неизвестный гражданин пробрался на крыло самолета и бросил неопределенный предмет в воздухозаборник турбины. Компетентные турецкие органы проводят мероприятия по установлению личности задержанного.



### Космический грузовик затонул

Космический грузовик «Прогресс М-53» затонул на дне Тихого океана. С остатками мусора с МКС он затоплен на глубине 4 км в специально отведенном районе Тихого океана – в 5400 км восточнее Новой Зеландии. «В этом районе нет судоходства», – подчеркнули в подмосковном Центре управления полетами. «Принятая практика уничтожения космического мусора не наносит вреда экологии Земли», – утверждают в ЦУПе.



### Сохранятся ли военные кафедры?

Минобороны РФ официально назовет вузы, в которых будут сохранены военные кафедры после 2008 года. Ранее сообщалось, что число военных кафедр в российских вузах планируется сократить до 30–35. Источник в минобороны отметил, что «практически на 100% военные кафедры останутся в МГУ, МГИМО, МАДИ, МАИ, СПбГУ и еще в институтах, в которых традиционно высокий рейтинг и проходной бал».



### Ураган «Катрина» обошелся дорого

Расходы правительства США в связи с ураганом «Катрина» вполне могут дойти до 100 млрд. долларов. Представители администрации доложили, что операции по спасению людей и устранению последствий стихии в Луизиане и Алабаме обходятся более чем в 500 млн. долларов в день, и расходы продолжают расти. «Катрина» вполне может стать переломным моментом для федерального бюджета», – говорит Стэнли Коллендер, эксперт по бюджету из Вашингтона.



### Курильщики слепнут, выяснили ученые

Более 17 тыс. британцев ослепли от курения. Согласно статистике, взаимосвязь между курением и потерей зрения настолько же сильна, как и между курением и развитием рака легких. Курение приводит к определенной форме слепоты, когда уничтожаются клетки в области сетчатки, это называют «желтым пятном». В то же время курильщик не усваивает из пищи питательные вещества, необходимые для сохранения хорошего зрения. Даже у непостоянных курильщиков риск слепоты в два раза выше, чем у некурящих.

**(По страницам Интернета).**

Кўнгилга ташриф

# ЗАЙНОБИДДИН БЎЛГАН ЗАЙНАБ

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида ишланган фильмда томошабинларнинг юрагини ларзага соладиган, маҳзун, дардли қўшиқлар бор. Уларни эшитган сари эшитгингиз келаверади. Қўшиқларни ким куйлаганлиги билан қизиқдим ва ижрочисини топдим. Бу истеъдодли хонанда, турли хил халқларнинг қўшиғини маромига етказиб ижро этадиган, бугунги кунда кўплаб шогирдларнинг устози – Зайнаб Мирзатиллаевадир.



**— Зайнаб опа, болалигингиз ҳақида нималар дея оласиз?**

– Мен Қозоғистоннинг Чимкент вилояти Сариёғоч шаҳрида таваллуд топганман. Оилада ўн нафар фарзанд бўлганмиз. Ота-онам далада ишлашарди. Экин экишиб, боғ яратишарди. Улар жудаям содда одамлар бўлишган. Отам мен туғилганимдан сўнг, уч кун ўтгач, гувоҳнома олиш учун борибди. У пайтлар кўпроқ рус тилида иш юритилар, ходимлар ҳам рус бўларди. Отам ўз фикрини бир амаллаб тушунтирибди. Исмимни Зайнабжон деб айтибди. Улар ҳам гувоҳномага Зайнабжон Мирзатиллаев Суннатиллаевич, дея ёзиб берибди. Мен гувоҳномага ўғил бола бўлиб қайд этилган эканман. Мактабга борганимда ҳам ҳеч ким унчалик эътибор бермаган. Паспорт олишимда бу нарса қийинчилик туғдирган. Шундан сўнг анча югур-югурлардан кейингина зўрға паспорт олганман. Бу ҳам бўлса отамнинг соддалиги туфайлидир. Болалигимда жуда шўх, қувноқ, характерим кўпроқ ўғил болаларникига ўхшарди. Ҳаммамиз далада ишлардик. Кетмонни қўлга олиб, катта қўшиқни овозим борича айтардим. Ҳеч ким мени тўхтатолмасди. Ҳаттоки, тушлик бўлиб қолганини ҳам сезмасдим. Отам мени «Зайнобиддин!» дея чақирарди. Бир куни далада бақириб қўшиқ айтаётувдим, отамнинг чақирганларини эшитмабман. Улар: «Зайнобиддинни илҳоми келибди, энди тушликка ҳам чиқмайди», деб қайтиб кетган экан.

**— Санъатга болалигингиздан қизиққан экансиз-да. Кейин нима қилдингиз?**

– Тошкентда Йўлдош Охунбобоев номли маданият саройи бўларди. Ўша ерга дуторчи қизлар ансамблига қатнашдим. Бу ерда Абдусамат Илясов ҳамда Тамара Сулаймоновалар устозлик қилишди. Бир куни раҳматли Ғанижон Тошматов келиб қолди. Бизни бироз кузатгач, мени ўзларидаги «Дуторчи қизлар» ансамблига ишга таклиф қилди. 1979 йилдан уларнинг қўлида таҳсил олдим. Бу орада Маданият институтини ҳам тугатдим. Чорак аср «Дуторчи қизлар»да фаолият кўрсатдим. 2002 йилдан буён Маданият институтида талабаларга сабоқ беришни бошладим.

**— Сариёғочдан Тошкентга қатнаб юрганингизда бирорта қизиқ воқеа рўй берганми?**

– Бир куни жудаям шошилдим. Акам мотоциклда мени ишга олиб келаётувди. Шошилиб рулни бошқа ёққа буриб юборди. Иккаламиз ҳам сув тўла ариққа қулаб тушдик. Яхшиям ҳеч нарса қилмади. Яна уйга қайтиб, уст-бошимни алмаштириб келгунимча ишга кеч қолдим. Ғанижон ака нима учун кеч келганим сабабини сўраганида шоша-пиша сувга йиқилиб тушганимизни айтиб бердим. «Қайси кинодан бу», дейдилар Ғанижон ака гапларимга ишонқирамай. «Кинодан эмас, рост гапиряпман. Чиндан ҳам шунақа бўлди», дедим йиғламоқдан бери бўлиб. Шунда устозим кулиб юборди.

**— Маданият институтида ҳам дуторчи қизлар ансамблини ташкил қилибсиз...**

– Шундай. Навоий ҳазратларининг «Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб тупроққами кетгумдир охир», деган сатрлари бор. Шунинг учун ўзимнинг ҳам шогирдларим бўлишини хоҳладим. Шунга амал қилган ҳолда институтда ҳам «Дуторчи қизлар» ансамблини ташкил этдим. Бугунги кунда ўн беш нафар талаба қизларимиз қўшиқ куйлаб, дутор чертишади. Уларсиз тадбир ва байрамлар ўтмайди. Қўлимдан келганича ўргатаман.

**— Улардан олдин ҳам кўплаб шогирдларингиз бор эди чоғи?**

— Ҳа. Моҳира Асадова, Мунира Мўминова, Шоира Шодиева, Ўғилой Қосимова... Бу рўйхатни узоқ давом эттиришим мумкин. Барчаси санъат оламида ўз йўлини топиб кетишди. Бугунги кунда мени устоз, дея йўқлаб туришади. Керакли маслаҳатларни сўрашади.

**— «Ўтган кунлар» кинофильмидан ташқари яна кўплаб кино ва видеофильмларда қўшиқ ижро этгансиз...**

– «Масхарабоз», «Чимилдиқ» киноларида, «Кеча ва кундуз» ҳамда «Лафз» видеофильмларида ҳам қўшиқ ижро этдим. Ҳаттоки, «Кеча ва кундуз» видеофильмидаги Чўлпоннинг «Кетдингму» шеърига куй басталадим. Яқинда кинога ҳам таклиф этишди.

**— Устоз-шогирд ўртасидаги муносабатлар ҳақида фикрингиз.**

– Нафратни қўзғайдиган нарса – манманликдир. Керилиб турган инсонни ҳеч ким ёқтирмаса керак. Ҳар бир инсон авваламбор самимий, очиққўнгил, одобли бўлиши лозим. Айниқса санъаткорлар. Ҳозирги кунда айрим ёшлар устозларни ҳурмат қилмай қўйганидан оғринаман. Тўйларга борганда айрим ёшлар босар-тусарини билмай қолишади. На салом бор, на алик. Ундан кўра худонинг қарзи бўлмиш чиройли саломини берса, камтарлик билан жойига ўтирса. Кейин ашуласини айтиб, хайрлашиб кетаверсин. Санъаткорни кўрганда мухлисларнинг кайфияти кўтарилсин. Очиқ, қувноқ бўлишсин. Шундагина улар ўз мухлисларига эга бўлишади. Халқимиз бежизга «Устоз отангдай улуғ» дейишмаган. Устозлар олқишини олган шогирд ҳеч қачон кам бўлмайди. Халқнинг яхши кунига яраган санъаткоргина – ҳақиқий санъаткордир.

**— Қўллайдиган шиорингиз?**

– «Қўли очиқнинг йўли очиқ» дейишади. Савоб ишларни қилишни яхши кўраман. Жудаям раҳмдилман. Зулайҳо ойим мени «тез ёрдам» дердилар. Ким ёрдамга муҳтож бўлса, дарров кўмаклашишга ҳаракат қиламан. Инсонларга қўлимдан келганча яхшилик қилиш менинг асосий шиорим.

**— Бугунги куннинг аёли кўпроқ нима билан машғул бўлгани маъқул?**

– Аёл ўз аёллигини, ўз масъулиятини ҳис қилсин. Кўпроқ бола тарбияси билан шуғуллансин. Оила муқаддасдир. Тарбия биринчи даражали бўлган оилада тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради. Бола доим назоратда бўлгани яхши. Фарзандларнинг доим қорни тўқ бўлса, кўзи ҳам тўқ бўлади. Бирор жойга борганда сизни уялтириб қўймайди.

Фарзандларимизни элпарвар, ватанпарвар этиб тарбиялашда онанинг ўрни беқиёс.

**Суҳбатдош: Хонбиби ҲИММАТ қизи.**

ЦЕЛИТЕЛЬНЫЙ ОБОГРЕВ



ОБОГРЕВАТЕЛИ (бытовые)
Целительное тепло от ПГС

Экологически чистое тепло, основанное на керамических нагревательных элементах, не сжигает кислород и не усушивает воздух. Низкая длина тепловых лучей мягко и глубоко проникает в организм и в прямом смысле слова оказывает лечебное действие. Предназначены для жилых помещений, офисов, лечебных учреждений.

КАЛОРИФЕРЫ (промышленные)
Предназначены для обогрева актовых залов, ресторанов, столовых, казарм, производственных цехов.

ТЕЛ: 79-38-54, 79-15-70, 79-25-23.
HTTP://PGS.UZ PGS4@YANDEX.RU

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Дили хаста кишига айтилган ҳар бир ширин сўз унинг қалби учун ёқилган машъал, чироқдир.

•

Умуман, инсон, айниқса, яхши одам ҳақида ёмон сўз айтма, бу билан сен ўзингни бадном қиласан.

•

Сўзи баъмани одам қуёш нури каби кишиларни ўзига чорлайди.

•

Ёмон сўз қаҳратон қишдаги ёқимсиз изғиринга ўхшайди, қаерга бориб теккудек бўлса, теккан жойини музлатади.

•

Милтиқ ўқи инсоннинг турли жойига тегиши мумкин, лекин тилдан отилган ўқнинг нишони битта жойга, инсоннинг қалбига тегади.



Футбол: отборочные матчи чемпионата мира

# ПЕРЕИГРОВКА В ПОЛЬЗУ ПРОИГРАВШЕГО?

Состоявшийся 3 сентября матч между национальными сборными Узбекистана и Бахрейна, завершившийся в пользу хозяев со счетом 1:0, теперь будет переигран. Таково сенсационное решение специального комитета ФИФА, назначившего новые сроки стыковых игр – 8 октября в Ташкенте и 12 октября в Манаме. Функционеры ФИФА ловко использовали протест нашей Федерации футбола для того, чтобы дать новый шанс бахрейнцам отыграться за проигранный матч в гостях.

Сборная Узбекистана уверенно держала в руках нити игры. Уже на 12-й минуте хозяева открыли счет. Выверенную фланговую передачу Анвара Солиева отлично использовал капитан сборной Миржалол Касымов.

Забитый мяч вдохновил. На 38-й минуте после удара головой нашего форварда защитник соперников Мухаммад Джума только руками смог вынести мяч из ворот. Арбитр встречи, японец Томишицу Йошида, назначил пенальти. Мяч Сервера Джепарова голкипер сборной Бахрейна не смог отразить, и он затрепетал в сетке ворот. Но боковой арбитр матча подверг сомнению этот гол. В момент удара другой игрок сборной Узбекистана вбежал в штрафную площадку. На видеоповторе видно было, как Тимур Копадзе вбежал в штрафную площадку, поддавшись радостным эмоциям. В таких случаях пенальти обычно перебивается. Судья же принял непонятное решение – и гол не засчитал и не дал перебить пенальти, назначив свободный удар от ворот. Счет 1:0 так и не изменился до финального свистка.

Федерация футбола Узбекистана подала протест в ФИФА на действия судьи. В нем указана техническая ошибка арбитра, неправильно трактовавшего новые правила, и потребовано засчитать Бахрейну поражение со счетом 0:3. Но решение было принято об аннулировании результата первого матча и назначении новых сроков игр – 8 и 12 октября.

– Это первый в истории мировых чемпионатов случай, когда матч будет переигран, – подчеркнул на пресс-конференции начальник отдела Федерации футбола Узбекистана Алишер Никимбаев. – Нас не устраивает порядок, при котором первый матч будет переигран заново с первой минуты, так как наша команда забила первый гол в честной борьбе. Мы будем добиваться, чтобы переигровка началась с 38-й минуты со счета 1:0 и с пробития того пенальти. Генеральный секретарь Федерации футбола нашей страны Бахтиер Рахимов не вернулся из Бахрейна, а полетел в Саудовскую Аравию, откуда в составе делегации АФК отправится на конгресс ФИФА. Он намерен поднять на конгрессе этот вопрос. Ну, а если на конгрессе нам откажут, то есть спортивный арбитражный суд.

На вынесенный в заголовок вопрос можно дать и утвердительный ответ. Ведь за месяц команды непременно сделают выводы из ошибок первого матча. Конечно, у наших футболистов будет хорошая спортивная злость на функционеров ФИФА, буквально укравших первую победу. За подобные махинации около футбола надо наказывать голами в ворота соперника.

**Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».**

# ДАН СТАРТ ШАХМАТНОМУ ТУРНИРУ

В городе Карши состоялось открытие Республиканского первенства по шахматам, посвященного памяти Георгия Агзамова.

Турнир в честь памяти международного гроссмейстера собрал представителей всех областей республики. Выступившие на торжественном открытии поздравили всех участников с 14-летием независимости, с участием в турнире и пожелали успехов.

Перед началом турнира мне удалось побеседовать с шестикратной чемпионкой Узбекистана по шахматам, мастером спорта Сарвиноз Эргашевой.

– Нынешний год выдался для меня примечательным, – делится С. Эргашева. – На соревнованиях «Баркамол авлод - 2005» я завоевала золотую медаль. Затем стала участницей чемпионата мира по шахматам среди юниоров, который проходил в Белфорде (Франция). На льготной основе меня приняли на исторический факультет Каршинского госуниверситета. А сегодня я среди участников ежегодного турнира в честь памяти замечательного шахматиста. Думаю, что среди сверстников есть продолжатели таланта Георгия Агзамова.

**Зухра Оймаматова.**

## МУСАҲҲИҲ ЯНГЛИШГАНДА

Бу йилги шартномани бўлиқ (тўлиқ) дўндирамиз.
Қўшнимнинг боласи ўғри (тўғри) йигит.
Ҳамма давраларнинг ғўри (тўри) сизники.
Мажнунтолнинг доясида (соясида) дам олиш жуда мароқли.

# ТАФАККУР УММОНИ




Фозилжон ОРИПОВ тузди.

## ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ



### Бегунов обвинили в... победах

В четверг стало известно о легкоатлетическом скандале в Мексике. Африканских бегунов хотят лишить права участвовать в коммерческих соревнованиях. Чернокожих стайеров обвиняют в том, что они... показывают слишком высокие результаты. На протяжении нескольких лет в марафонских забегах в Мехико-сити побеждают атлеты из Кении. Они забирают все призы, в том числе крупные денежные суммы. Обиженные латиноамериканцы отправили жалобу в Национальную ассоциацию легкой атлетики. Африканские бегуны обвиняют мексиканских коллег в неспортивном поведении. Тренер кенийской команды сказал, что для африканцев победа в соревновании— часто единственный способ выжить. Призовые деньги уходят на еду и оплату жилья.



### Прыжок на миллион

Прыгунья тройным Татьяна Лебедева выиграла главный приз «Золотой лиги» Международной федерации легкой атлетики, став обладательницей миллиона долларов в золотых слитках. Это стало ясно после того, как 29-летняя волгоградка в шестой раз подряд одержала победу на этапе «Золотой серии», на сей раз в Берлине. Ради того, чтобы добиться этого результата, Лебедевой пришлось пожертвовать выступлением на чемпионате мира в Хельсинки. Зато теперь она стала третьей россиянкой в истории, которой удалось взять джек-пот самого денежного состязания в этом виде спорта и оказаться в одной компании с величайшими легкоатлетами современности – Мэрион Джонс, Хишамом эль-Герружем, Уилсоном Кепкетером.



### Константин Цзю взят под охрану

Экс-чемпиону мира по боксу Константину Цзю, который находится сейчас в Ханты-Мансийске, выделили для охраны четверых милиционеров. Местные власти были вынуждены сделать это из-за ажиотажа, возникшего вокруг прославленного спортсмена. По словам начальника отдела обеспечения общественного порядка УВД Ханты-Мансийского автономного округа Дмитрия Топала, люди просят автограф у Цзю на каждом шагу, и он не может отказать своим поклонникам. В итоге его программа пребывания в городе оказалась под срывом. Милицейская охрана будет сопровождать боксера до конца визита, который завершится 11 сентября. В Ханты-Мансийске Константин Цзю намерен провести мастер-классы и международный турнир по боксу, посвященные 75-летию образования округа.



### Сборная Мексики – в финале

Чемпионат мира по футболу, как известно, состоится будущим летом в Германии. В упорной борьбе приблизились к заветной цели спортсмены сборной Мексики. Это стало известно после того, как мексиканцы выиграли на своем поле матч против сборной Панамы со счетом 5:0. Задача у сборной Мексики была не самая сложная: в трех оставшихся матчах ей достаточно было набрать всего лишь одно очко. В этом случае мексиканцы могли бы окончательно оторваться от сборных Гватемалы и Тринидада и Тобаго, которые за три тура до конца турнира имели отставание от них в девять очков. Добавим, что первое место в группе занимает сборная США, которая уже обеспечила себе выход в финальную часть будущего мундиаля.

## ОБЪЯВЛЕНИЯ

• Куплю: холодильники, морозильники, шв.машинку, БК, газ.плиту. Тел.: 176 02 65.

• Редакция газеты «Ватанпарвар» приглашает к сотрудничеству общественных распространителей периодических средств массовой информации. Телефоны для справок: 56 03 46, 56 17 98.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди жамоаси, Тошкент ҳарбий округ ҳарбий судининг собиқ раиси адлия подполковниги

**ШАМСИЕВ Данияр Вафоевичнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси шахсий таркиби, Республика Ҳарбий прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи адлия майори Пўлатов Эльдор Ҳакимовичга падари бузруквори

**Хаким ота ПЎЛАТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
В. КАЛОШИН, А. САФАРОВ, Х. МИРЗАЕВ, Ё. ҲАКИМОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98 (факс); масъул котиб – 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Таҳририят манзили:
700031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Газета жума куни чиқади.

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

Буюртма № J-1604. Адади 20300.